Qaraqalpaqstan Respublikasi xalıq bilimlendiriw ministrligi
Qoraqalpog'iston Respublikasi xalq talimi vazirligi
"31" Mapm 2021 jıl
shig'is № 01-03/3-1553 "D"
No'kis qalası Nukus shaxri
A. Dosnazarov ko'shesi 62 jay

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Халқ таълими вазири**
**______________Р.Реимов**
**“____” ______” март 2021 йил**

**Ўзбекистан Республикаси Президенти Администрацияси томонидан имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқувчиларнинг сифатли таълим олишлари учун яратилган шарт шароитларни ўрганишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлигининг чора тадбирлари режаси**

(Асос: Ўзбекистан Республикаси Президенти Администрацияси 2021йил 25 мартдаги 08-1089-сонли топшириғи)

| № | Аниқланган камчиликлар | Камчиликларни бартараф этиш механизими | Бажариш муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| 1(4) | Амалдаги малака талабларида ўқитувчилар фақат ўз мутахассислик фанларидан дарс ўтишлари белгиланган бўлишига қарамасдан, талабларга амал қилинмаган. | 1.Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўз мутахассислик фанларида дарс ўтмаётган ўқитувчиларни таҳлил қилиш.<br>2.Таҳлил натижаларига кўра, ўз мутахассислик фанларидан дарс ўтмаётган ўқитувчиларни ўз мутахассислик фанидан дарс беришига қайтариш чораларини кўриш. | 2020-2021 ўқув йилининг 4-чорагидан бошлаб | Ш.Таджимуратов,<br>Барча имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари раҳбарлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 3.Ўқитувчиларга ўз мутахассислик фани бўйича дарс тақсимотига шахсан таълим муассасаси раҳбари масъуллигини қатъий белгилаш.<br><br>Келгусида шундай камчиликларга йўл қўйган раҳбарларга нисбатан кескин интизомий чоралар қўллаш. | | |
| 2(5) | Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида дефектолог мутахассислигига эга бўлмаган ўқитувчилар фаолият олиб бормоқда. Маълумот учун: Қайта таёрловдан ўтмаган ўқутувчилар 4 нафар ташкил этади. Масалан: Хўжайли тумани 3-сонли интернатда 2 нафари ўрта махсус ва 2 нафари тугалланмаган олий маълумотли. | 1.Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида дефектолог мутахассислигига эга бўлмаган ўқитувчилар рўйхатини шакллантириш.<br><br>2.Ўқув йили якунига қадар номутахассис ўқитувчиларни худудлардаги педагогика олий таълим муассасалари ҳамда ўқитувчиларни малакасини ошириш марказларида ташкил этилган дефектология мутахассислиги бўйича қайта тайёрлов курсларига жалб этиш чораларини кўриш. | 2021 йил<br>1 апрель<br><br>Ўқув йили якунига қадар | Ш.Таджимуратов,<br>С.Жуманиязов ва Барча имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари раҳбарлари |
| 3(10) | 4 та ихтисослаштирилган таълим | 1.Ихтисослаштирилган таълим | 2021 йил | Ш.Таджимуратов, |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | муассасида 5 нафар ўрта махсус маълумотли мутахассислар томонидан дарс ўтилаётганлиги аниқланди. | муассасаларидаги ўрта махсус маълумотли мутахассисларни олий маълумотли мутахассислар билан алмаштириш чораларини таъминлаш.<br>2.Таълим муассасаларига мутахассисларни ишга қабул қилишда қонунчиликда белгиланган талабларга қатъий риоя қилинишини таъминлаш.<br>3.Таълим муассасасига қабул қилинган ҳар бир ходим учун муассаса раҳбари шахсан масъуллигини қатъий белгилаш. | 1 апрель | С.Жуманиязов ва Барча имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари раҳбарлари |
| 4(11) | 62-сонли махсус ёрдамчи мактабда 22 нафар, 4-сонли кар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасида 37 нафар, 10-сонли кўзи ожиз ва зиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасида 49 нафар, 3-сонли ақли заиф болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасида 25 нафар жами 113 нафар ўқитувчи сўнгги беш йил ичида | 1. Ихтисослаштирилган таълим муассаси ўқитувчилари учун анънанавий ёки масофавий малака ошириш курсларини ташкил этиш юзасидан режа график ишлаб чиқиш.<br>2. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида фаолият юритаётган малака оширмаган ходимлар рўйхатини шакллантириш.<br>3. Белгиланган режа график | 2021-йил<br>1 апрель<br><br>2021- йил<br>1 апрель | Ш.Таджимуратов,<br>С.Жуманиязов ва Барча имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари раҳбарлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ихтисослаштирилган таълим муассасаларида фаолият юритаётган ўқитувчи малакасини оширмаган. | асосида малака ошириш курсларини ташкил этилишини назоратга олиш.<br>4. Малака оширмаган ходимларга нисбатан қонунчиликда белгиленган интизомий жазо чораларини қўллаш. | | |
| 5(12) | Ихтисослаштирилган таълим муассасаларидаги 4 та меҳнат хоналарининг барчаси таъмирлаб, 4та меҳнат хоналарида ўқув асбоб ускуна ва жиҳозларга эҳтиёж мавжуд.<br>Жумладан, 62-сонли махсус ёрдамчи мактабда сартарошлик йўналиши бўйича жихозлар билан таъминлаш, 4-сонли кар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасида чилангарлик, дурадгорлик, ёғоч ўймакорлик устахоналарини жихозлаш, тикувчилик ва пазандачилик устахоналарини керакли анжомлар билан жиҳозлаш, 10-сонли кўзи ожиз ва зиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасида | 1. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларидаги меҳнат хоналарини таъмирлаш ишларини маҳаллий ҳокимликлар билан келишилган ҳолда инвестиция дастурларига кириш чораларини белгилаш.<br>2. Ихтисослаштирилган таълим муассасаларидаги меҳнат хоналарини зарур ўқув асбоб ускуна ва жиҳозлари билан таъминлаш чораларини маҳаллий бюджет ҳамда ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга ошириш чораларини кўриш. | 2021 йил<br>1 август | И.Балтабаев, барча имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари раҳбарлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | сартарошлик йўналиши бўйича жихозлар билан таъминлаш, 3-сонли ақли заиф болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасида дурадгорлик ва тикувчилик хоналарини керакли анжомлар билан жиҳозлаш зарур. | | | |
| 6(13) | Ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларини 2019-2020 ўқув йилида тамомлаган 73 нафар ўқувчиларнинг бандлиги 45 (61,6%) нафарининг бандлиги таъминланмаган.<br><br>Жумладан, 62-сонли махсус ёрдамчи мактабда 12 нафар, 4-сонли кар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасида 10 нафар, 10-сонли кўзи ожиз ва зиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасида 6 нафар, 3-сонли ақли заиф болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасида 17 нафар битирувчининг бандлиги таъминланмаган. | 1.Ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари ўқувчиларига касб-ҳунар ўргатиш борасида ҳудуддаги касб-ҳунар мактаблари ҳамда "Ишга марҳамат" мономарказлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;<br><br>2. Ўқувчиларнинг қизиқишига қараб, замонавий касбларни эгаллашга йўналтирилган тўгараклар ташкил қилиш. | 2021 йил<br><br>1 август | М.Асеметдинов,<br><br>барча имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари раҳбарлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 7(14) | 10-сонли кўзи ожиз ва зиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси бино қувватига нисбатан 1 коэффициентдан юқори ҳолатда ишламоқда.<br>Шунингдек, 4-сонли кар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси ва 3-сонли ақли заиф болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси биноларини таъмирлаш лозим. | 1.Таъмирга муҳтож таълим муассасаларини таъмирлаш ишларини маҳаллий ҳокимликлар билан келишилган ҳолда инвестиция дастурларига кириш чораларини белгилаш.<br>2.Бино қуввати ўқувчилар сонига нисбатан юқори коэффициентдаги ихтисослаштирилган таълим муассасаларидаги ўқувчилар сонини мақбуллаштириш чораларини кўриш. | 2021- йил<br>1 август | И.Балтабаев, барча имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари раҳбарлари |
| 8(16) | 3-сонли ақли заиф болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси ётоқхонаси мослаштирилган бинода жойлашган.<br>3-сонли ақли заиф болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси ва 62-сонли махсус ёрдамчи мактаби ётоқхоналарнинг капитал таъмирга муҳтож | 1.Маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда мослаштирилган бинода жойлашган ихтисослаштирган таълим муассасаси ётоқхонаси ётоқхоналари фаолиятини ижобий ҳал қилиш.<br>2.Таълим муассасаларининг таъмирга муҳтож ётоқхоналарини таъмирлаш ишларини маҳаллий ҳокимликлар билан келишилган ҳолда инвестиция дастурларига киритиш чораларини кўриш. | 2021- йил<br>1 август | И.Балтабаев, барча имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари раҳбарлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 9(17) | “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўйган ходимларга нисбатан амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ тегишли интизомий чоралар кўриш | 1. Қарор ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўйган ходимларга нисбатан амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ тегишли интизомий чоралар кўриш.<br>2. Кўрилган интизомий чоралар тўғрисидаги маълумотларни вазирликка 2021 йил 1 апрелга қадар вазирликка тақдим этиш | 2021 йил<br>1 апрель | Ш.Таджимуратов,<br>С.Жуманиязов,<br>барча имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари раҳбарлари |